



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мисиров Комолиддин Мамасабирович,

Тошкент молия институти,

“Бухгалтерия ҳисоби кафедраси” доценти, и.ф.д

Тошкент, Ўзбекистон

ORGANIZING THE ACCOUNTING OF EQUITY CAPITAL BASED ON IFRS

Misorov Komoliddin Mamasabirovich,

*Tashkent Institute of Finance, Associate Professor of the Department of
Accounting, PhD,*

Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг хусусий капитални молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда шакллантиришида билан боғлиқ жиҳатлари очиб берилган. Акциядорлик жамиятларида хусусий капитални шакллантиришининг меъёрий-ҳуқуқий ҳамда назарий асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг

жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш асосида хусусий капитални шакллантириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Abstract. This article reveals aspects related to the formation of joint-stock companies' equity by international financial reporting standards. It investigates the normative-legal and theoretical foundations of forming equity capital in joint-stock companies. Moreover, recommendations are provided for forming equity capital based on the introduction of modern corporate governance methods, improving the efficiency of production, investment, and material-technical, financial, and labor resource utilization, as well as creating favorable conditions for

attracting foreign investments to joint-stock companies.

Калит сўзлар: *ҳақиқийлик, ишончлилик, халқаро стандартлар, молиявий ҳисобот, инвестор, инвестиция активлар, хусусий капитал, устав ва резерв капитали.*

Keywords: *authenticity, reliability, international standards, financial report, investor, investment assets, equity capital, charter and reserve capital.*

Кириш. Бугунги кунда республикамизда бухгалтерия тизимини ислоҳ қилиш орқали ташқи инвесторларни жалб қилиш имконини беради ва иқтисодий муносабатларни ўзгаришларга кўмак беради. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида жаҳон стандартларини амалиётга жорий этиши ва қўллаши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек юқори даромадли ва истиқболли тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш, хусусий капиталини ташкил этишда инвестицион жозибдорлигини ошириш ва хусусий капитал ҳисоботини тушунарли иқтисодий тилда изоҳлаб бериш ташқи инвесторларни жалб этишнинг муҳим бир жиҳати дейишимиз мумкин.

Мамлакатимизда фаолият

юритаётган тадбиркорлик субъектларини халқаро бозорларга чиқиши, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни жалб қилишда МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади ва у ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. МҲХСни қабул қилиш ва унга мувофиқ ҳисобот тақдим этиш глобал бозорда ягона молиявий ахборот алмашиш муҳитини яратади. Бу жараён ўз навбатида, ахборот шаффофлиги, ҳисобдорлик ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, МҲХС қўлланиши бозор ликвидлиги яхшиланиши, капитал бозорларининг ривожланиши, қимматли қоғозлар бозорларида савдолар кўламининг кенгайиши, хорижий инвестицияларнинг миллий бозорга кириб келиши ва инвесторларни ҳимоя қилишнинг такомиллашишига олиб келади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, хусусий капитал ҳисобини ташкил этишнинг ижобий жиҳатларига эришиш учун МҲХСни миллий бозорда самарали татбиқ этиш чоратадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Шу ўринда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки мамлакатимиз президенти томонидан олиб борилаётган сиёсатда мамлакат иқтисодиётини кўтариш, уни янада ривожлантириш ва диверсификация қилишга катта эътибор

қаратилмоқда, шуларнинг амалий ифодаси сифатида мамлакатимизга чет эллик инвесторларни жалб қилиш, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган стратегиялар, режалар ва йўл хариталари ишлаб чиқилмоқда. Шунинг билан биргаликда малакатга чет эллик инвесторларни жалб қилиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини кўрсатиб берувчи ричагларга эътибор қаратилмоқда, жумладан мамлакатимиз Президенти томонидан 24-февраль 2020-йилдаги ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилиниши мамлакатни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилишдаги илғор қадам дейиш мумкин[2].

Чунки ҳар қандай иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришни бухгалтерия ҳисобисиз тасавур этиб бўлмайди. Ушбу қоидага амал қилган ҳолда хўжалик субъектларда хусусий капитал ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ёрдамида тайёрланган замонавий бухгалтерия принциплар асосида юритиш орқали кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилади. МҲХС қоидалари асосида акциядорлик жамиятларида ҳисоб

сиёсатини ташкил этиш орқали бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончилиги ва тўлиқлиги, эҳтиёткорлик тамойилларига асосланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида маълумотлар аниқ ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим. Мисол учун, акциядорлик жамиятларида хусусий капитал маълумотлари бухгалтерия ҳисоби тамойиллари асосида тизимлаштирилган тарзда тўлиқлик ва ишончли акс эттирилади.

Материал ва метод. Бу борада хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлари ўзларининг алоҳида қарашлари билан қуйидагича ёндашувларини келтирган:

Ўзбекистон

Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ЎРҚ-404-сон Қонунининг 19-моддаси. Хусусий капитални ҳисобга олиш деб номланиб, унда хусусий капитал устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топиши келтириб ўтилган[1].

И.Н.Исманов МҲХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган

мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган [3].

З.Н.Курбанов ва А.Акрамовларнинг қайд этишича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади” [4].

О.Собировнинг қарашича: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга трансформация қилиниш жараёнларини жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот ҳамда маълумотлар билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилдан бошлаб, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар

(МҲХС) асосида юритишни ташкил этишда ва 2021-йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлайди” [5].

С.Н.Ташназаровнинг фикрича, “бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тараққий этиш қонуниятларини ўрганиш асосида муҳим хулосани чиқариш мумкин, агар 1494 йили «иккиёқлама ёзув» асосида ҳисоб ғояси яратилган бўлса, 1973 йили бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари яратилиши билан молиявий ҳисоботни халқаро интеграциялашуви бошланган бўлса, 2030 йилларга бориб молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида тўлиқ халқаро гармонизацияси ва бир хиллигига эришилади” [6].

М.Л. Пятов ва И.А. Смирноваларни такидлашича, “хусусий капитал ҳисобини МҲХС асосида ташкил этишда ҳисоб методологияси асосида муҳим назарий масала бўлиб, капитал концепцияси (concepts of capital) деб аталувчи концепция ҳисобланади. Капитал концепциясининг моҳияти шундан иборатки, компаниянинг фойдаси ва капиталини аниқлашда бухгалтерия ҳисоби ахборотларига асосланишдир” [7].

Е. Л. Путникова, В. А.Урбанлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қуйидагича изоҳлайди: “Беларусь

Республикасининг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўзгартириш МҲХСга ўтиш йўлидаги биринчи, жуда муҳим ва мажбурий қадамдир” [8].

М. Сунцованинг тақидлашича: Молиявий ҳисоботларини халқаро стандарти МҲХС (IAS) 1 – “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” га мувофиқ “Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот” компания мулкдорлари учун тузилади[9].

МҲХС (IAS) 1 – “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли стандартда “молиявий ҳисоботлар - тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ифодасидир.

(а) активлар; (б) мажбуриятлар; (в) капитал; (г) даромад ва харажатлар, жумладан фойда ва зарарлар; (д) мулк эгалари томонидан уларнинг мулк эгалари сифатида амал қилишидаги қилинган қўйилмалар ва уларга тақсимланадиган суммалар; ва (е) пул оқимлари”[10].

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишида, молиявий ва ижтимоий ҳисоботларининг ишончлилигини таъминлаш, инвестиция жозибадорлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш давр


талаблариндан бири эканлигига доир ҳолатлар келтирилган. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларини тузиш, хусусий капитал ҳисобини ташкил этишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини табиқ этиш, амалиётда қўллаш билан боғлиқ тартибининг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди.

Натижалар. Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан интеграллашувини таъминлаш орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш энг мақбул йллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, республикаимизнинг халқаро ҳамжамиятига қўшилиши, халқаро ташкилотлар билан ҳақорлигини кенгайтиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишдан асосий мақсад юқори натижавийликга эришиш ҳисобланади. бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилиши молиявий ҳисоботларни тузилишида унинг янада ишоанчилигини таъминлашга хизмат қилади. Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш, турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг салоҳиятини уларнинг хусусий капитали кўрсаткичи

характерлайди. Акциядорлик жамиятлари хусусий капиталга етарли даражада эга бўлмаган ҳолда фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош қобилияти суст бўлади Шунинг учун ҳам акциядорлик жамиятлари хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўпайтириб бориш, ривожланишига кафиллик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Аввалом бор, бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил этишда, уларда мукамал тарзда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, ҳар қандай фойдаланувчилар учун тушунарли бўлган ва самарали бошқарувни

таъминловчи молиявий ҳисоботларни тузиш каби услубиятларни яратиш лозим бўлади. Мамлакат иқтисодининг ривожда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий барқарорлиги бевосита боғлиқ, молиявий ҳисоботларини тузишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқариш, ривожланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ҳисоб сиёсатини ташкил этишда ишонччилик принципи муҳим ҳисобланиб, акциядорлик жамиятларидаги иқтисодий жараёнлар объектив маълумотларга таянган ҳолда юритилади.



1-расм. Акциядорлик жамиятининг хусусий капитал таркиби¹

Эҳтиёткорлик принципи оширишда акциядорлик бизнес жараёнларини амалга жамиятларининг тўлов қобилияти

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

билан бевосита боғлиқ бўлган жорий ликвидлик, ўз маблағлари билан таъминлаганлик ва тўловга лаёқатлилиқ коэффициентлари ёрдамида унинг молиявий ҳолатини баҳолаш орқали ишончсиз баланс тузилишнинг олдини олишга хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобида мазмуннинг шаклдан устуворлиги тамойилига асосланга ҳолда юритилади.

Акциядорлик жамиятининг хусусий капитали таркиби шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини 1-расмдан кўриш мумкин.

Акциядорлик жамиятининг хусусий капитали бу муассисларнинг қўйилмалари, корхона ишлаб топган маблағлари ва қиймати аниқлаш ва келгуси ўзлаштириш учун маблағлардан йиғиндисидан иборат. Корхонанинг қўшилган капитали ва устав капитали йиғиндиси бу муассисларнинг йиғиндисига тенг. Захира капитали ва тақсимланмаган фойда йиғиндиси бу корхона ишлаб топган маблағларига тенг. Мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари йиғиндиси бу қийматни аниқлаш ва келгуси ўзлаштириш учун маблағлардан ташкил топган.

Акциядорлик жамиятлари мулкдорларни ва бошқа кредиторларни жалб қилинган капиталардан унумли фойдаланган ҳолда даромад даражасини

оширишдан иборат. Хўжалик субъектлар рентабеллигининг минимал даражаси капитал нархи билан белгиланади.

Хўжалик субъектларида этарли даражада ўз капиталига эга бўлишлилиги, бу унинг молиявий барқарорлигини англатади. Бунда нафақат асосий маблағарнинг, балки айланма маблағларини ҳам шакллантириш муҳим бўлиб ҳисобланади. Хўжалик субъектларида молиявий ресурсларнинг аҳамиятини ошиб бориш, унинг ёрдамида капитал фондни шакллантириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, шунингдек жорий фаолиятни молиялаштиришдан иборат. Хўжалик субъектнинг молиявий барқарорлиги фаолият натижаларида қандай маблағларга эга эканлигига, улар узоқ муддатли ва жорий активларининг мақсадга мувофиқ шаклланишига боғлиқдир.

Хулоса. Ҳозирги шароитда хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобини МҲХС лари талаби асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда хусусий капитални шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш, корхоналар учун хусусий капитал ҳисобининг МҲХС га яқинлаштириш имкон беради.

Халқаро молиявий ҳисобот

стандартларининг концептуал доирасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий капитали активлардан барча мажбуриятларни чегириб ташлагандан қолган қисми тушунилади.

Хусусий капиталнинг иқтисодий моҳиятини унинг функциялари орқали очиқ бериш мумкин. Хусусий капиталнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

-хўжалик фаолиятини узок муддадга молиялаштириш;

-кредиторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш маъсулияти;

-етказилган зарарни қоплаш;

- мустақиллик ва мулкка эгалик ҳуқуқи;

-даромад ва активларни тақсимлаш ва бошқалар. Функцияларидан кўриниб турибдики, хусусий капитал корхонанинг молиявий пойдевори бўлиб ҳисобланади.

Хусусий капитал ҳисоби илмий жиҳатдан кам тадқиқ этилган муаммолардан ҳисобланади. Хусусий капитал ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, ахборотдан фойдаланувчиларни хусусий капиталнинг шаклланиши, у билан боғлиқ жараёнлар, хусусий капиталнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Шундай қилиб, Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида акциядорлик жамиятларида хусусий капитал ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг афзалликлари маълумотларнинг шаффофлиги таъминлайди инвестицион жозибадорлигини оширади. Мамлакатлар ўртасида тажриба алмашиш имкониятини беради, ўзаро ҳамкорлик имкониятларни кенгайтиради ва манфаатлар ишончини ошишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон Қонуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори.

3. Исманов И. Н. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 38-44 б.



4. Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. «Бизнес-эксперт» журнали. 2015 йил. 4-сон.

5. Собиров О. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил.

6. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик.-Т.: 2019. 31 б.

7. Пятов М.Л., Смирнова И.А. Сегодня поговорим о капитале. <https://www.ipnpu.ru/print/003986/>. 19.05.2022.

8. Путникова Е. Л., Урбан В. А. Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности.. Весник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. 2022. №2

9. Сунцова Марина Как составить отчет об изменении капитала по МСФО. Источник: <https://www.gazeta-unp.ru/articles/53768-otchet-ob-izmenenii-kapitala-po-msfo>. 22.08.2022.

10. МҲХС (IAS) -1 «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш». 2021.